

TOSHKENT HAQIQATI

2023-yil
1-noyabr
CHORSHANBA
№ 81 (13640)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки



Яшил маконда бирга яшайлик!

Жорий йилнинг 28-29 октябрь кунлари вилоятда “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” ҳамда “Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!” шиорлари остида умумхалқ ҳашари ташкил этилди.

2

Ҳамкорлик



АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Қатар давлатининг “Qatar national cement” компанияси делегацияси вакиллари билан учрашди.

Икки давлат ўртасидаги музокаралар давомида вилоятда яшил энергияни ривожлантириш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва бу борада компания билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқотда компания вакиллари томонидан цемент ва бетон маҳсулотларининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 8 миллион тонна экани, ҳамкорлик натижасида бу йўналишда мамлакатдаги тоза экологик муҳит таъминланиши билан бир қаторда, саноат соҳасига ҳам фойда келтирилиши тўғрисидаги фикрлар билдирилди.

Маълумот ўрнида, “Qatar national cement” компанияси 1965 йилда ташкил топган бўлиб, йиллик даромади 1 миллиард долларга тенг.

Вилоят ҳокими араб мамлакати компанияси вакиллари билан тақдирини маъқуллади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Бугуннинг гапи



ТЕЛЕФОН “ТОРТИБ ОЛГАН” БОЛАЛИК

2

ҚИШ ЯҚИН – ТАШВИШ ЯҚИН...МИ?



Назорат

Совуқ кунлар эшик қоқмоқда. Кунлар совий бошлаган сайн ҳар соҳада бўлгани каби коммунал тизим тармоқларида ҳам ишлар кўпаяди. Бу ўз навбатида режалаштирилган лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, мавжуд носозликларни аниқлаш ва бартараф этишга ундайди.

2



МИС БОЙИТИШ ФАБРИКАСИ ЯНА МАРРАДА

ОКМК Мис бойитиш фабрикасининг Мис-молибден концентратларини саралаш ва куриштиш цехи меҳнат жамоаси томонидан молибден металлни ишлаб чиқариш бўйича йиллик прогност кўрсаткичи муддатидан аввал бажарилди.

2

Кичик бизнес



НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА...

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлар ҳам талайгина.

Хусусан, Бустонлик туманининг “Бештут” маҳалласида истиқомат қилувчи Гулзода Исманова фаррошлик билан риққ териб юрар, лекин доим тадбиркор бўлишни орзу қилар эди. Бугун унинг орзуси ушалди.

– Маҳалламизнинг хотин-қизлар фаоли тadbirkorлик фаолиятини бошлашимга ёрдам берди, – дейди Гулзода опа. – Унинг қўллаб-қувватлаши, маслаҳати билан 5 миллион сўм кредит олиб, ошхона очдим ва нон, сомса пиширишни йўлга қўйдим. Бу

ерда оиламиз билан меҳнат қилаймиз. Ҳозир ишларимиз анча юришиб қолди. Буюртма қабул қилишни ҳам йўлга қўйдик. Маҳсулотимиз одамларга маъқул бўлаётганидан мамнун ҳолда янада яхши ишлаш ҳаракатидамыз.

Этиборлиси, қисқа фурсатда Гулзода опанинг тансиқ нонларию, ма-

зали сомсалари ўз мижозларини топиб улгурди. Шу сабабли, тадбиркор фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, маҳалладаги хотин-қизлардан бир нечасини иш билан таъминлаш ниятида.

Сухроброн ЖўРАЕВ
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган сурат

Обуна-2024

Ҳурматли газетхон!

“Тошкент ҳақиқати” газетасига 2024 йил учун обуна бўлишни унутманг. Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз! Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!

Нашр кўрсаткичи – 205.



Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки



Дилшод Шоисманов. – Жараён давомида бошқарма томонидан Чирчиқ шаҳар "Мир Алишер" маҳалласида қарийб тўрт юзта меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Хайрли ишларда маҳаллалардаги аҳоли вакиллари ҳам фаол иштирок этишди. Шу куни фуқаролар

садди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Икки кун мобайнида ташкил қилинган ҳашарда вилоят бўйича 9 минг 282 гектар майдон тозаланди. Жараёнларда 40 минг 400 га яқин бошқарма ва ташкилотлар ходимлари, 367 минг 414 нафар кўнгилли ҳашарчилар фаоллик кўрсатишди. Шунингдек, "Яшил макон" умум-

техникалар жалб қилинди.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, айниқса, эҳтиёжманд, боқувчисиз қолган кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг хонадон атрофлари тозаланди.

Ҳашар давомида ҳудудларда тўпланган чикиндилар фаол ёшлари томонидан 60 та арча, минг туп терак ва кўктерак экилди. Пискент туманида эса бўш турган майдонлар обод қилинди. "Дўстлик" маҳалласида жойлашган 10-сонли умумтаълим мактабига "Устозлар боғи"га асос

Икки кунлик ҳашар вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Хусусан, Тошкент туманининг Чимкент йўли кўчасида 2 минг туп оқтерак, Қўйи Чирчиқ тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг фаол ёшлари томонидан 60 та арча, минг туп терак ва кўктерак экилди. Пискент туманида эса бўш турган майдонлар обод қилинди. "Дўстлик" маҳалласида жойлашган 10-сонли умумтаълим мактабига "Устозлар боғи"га асос



Тошкент вилояти маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари вилоят аҳлига мурожаати, жамоатчилик вакиллари тақлифи ҳамда вилоят ҳокимининг тегишли фармойишига биноан ўтказилган ҳашар давомида вилоятдаги маҳаллалар, аҳоли тураржойлари, хибонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, болалар майдончалари, кўча ва майдонлар ҳамда ижтимоий объектларнинг атрофлари ободонлаштирилди. Бундан ташқари, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида барча тураржой мавзелари ва маҳаллаларда иқлим шароитига мос дарахт кўчатлари экилди. Деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум жойларда кўчат сотиш пунктлари, маҳаллаларда кўчат ярмаркалари тизимли ташкил этилди.

– Вилоятдаги барча маҳаллаларда ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



билан ҳам суҳбатда бўлиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ўргандик. Уларни ҳал этишда мута-

миллий лойиҳаси доирасида вилоят бўйлаб 105 минг 228 та меваги ва 175 минг 162 та манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириш ҳамда ҳудудларни чикиндилардан тозалаш учун 1 минг 266 та махсус

солиниб, 12 сотих бўш майдонга 100 туп терак, 200 тупдан ортиқ меваги дарахт кўчатлари ва гуллар экилди.

Сухробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалпиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

ҚИШ ЯҚИН – ТАШВИШ ЯҚИН...МИ?

ниязлари томонидан хизмат кўрсатилиб, кўп қаватли уйларнинг фасад қисмларини таъмирлаш ишлари, ертўла қисми, оқова қувурлари ва уй ички қисми муҳандислик тармоқлари, электр тақсимловчи қутилари соҳа ҳолатга келтирилди.

Хусусан, ичимлик ва оқова сув қувурларини мукамал таъмирлаш бўйича 2 километр режа қилинган эди. Бугунги кунда мавжуд сув қувурларининг ҳолати ўрганилиб, қайта реконструкция ишлари бажарилди. Жумладан, "Ўзбекистон" ва "Обод турмуш" маҳаллаларида 700 метр узунликдаги иссиқлик қувурлари янгисига алмаштирилди. Республика бюджетли маблаглари ҳисобидан 2 та қозонхонага янги энерготежамкор қозонлар ўрнатилди.

Фавқуллода вазиятлар бўлими ходимлари ва ҳамкор ташкилот вакиллари билан биргаликда иктисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, яқка тартибдаги уй-жойларнинг ёнғин хавфсизлиги, чакнаш ва ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида аҳоли яшаш хонадонларида ёнғин хавфсизлиги қайта ўрганилмоқда.

– Ўрганишлар давомида мавжуд муаммолар бартараф қилинмоқда, – дейди Бекобод шаҳар ФВБ бошлиғи Бекоз Шералиев. – Соҳа ходимлари "Нурли йўл", "Бобур" ва "Ширин" маҳалласи ҳудудидаги 31- ва 32-кўп қаватли уйларнинг ҳовли қисмида ободонлаштириш ишларини амалга оширди ва 27 метр ариқ-лотоклар

тозаланди. 13-даҳа 22-сонли кўп қаватли уйнинг ертўла қисмидаги оқова сув қувурларининг ифлосланиши бартараф этилди.

Сўнгги йилларда марказлашган сув таъминоти тизимини ривожлантириш орқали шаҳар ва аҳоли пунктларида сифатли ва хавфсиз ичимлик сувига бўлган эҳтиёжни қондириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2023 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 1 минг 25 та маҳаллада яшовчи аҳолининг 74,5 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. 25,5 фоиз аҳоли эса, альтернатив сув манбаларидан фойдаланади, 3,2 фоиз аҳолига бу неъмат махсус транспорт

воситалари орқали етказиб берилди. Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, Оҳангарон туманидаги "Телов" маҳалласида 3 та артезиан кудуқ қазилди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3 миллиард 860 миллион сўм бўлиб, маҳаллага умумий узунлиги 12 километр бўлган сув қувурлари тортилди. "Шодмалик" маҳалласида ҳам ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида кудуқ қавлаби, сув иншооти ва янги трансформатор ўрнатилди. Кўчалар бўйлаб 9,5 километр узунликда сув қувурлари тортилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард сўми ташкил этади.


Бироқ олдиндан оқан сувнинг қадрини йўқ, деганларидек, айрим ҳудудларда исрофгарчилик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Масалан, охириги 9 ойда жами 45 миллион 875 минг метр куб сув технология йўқотилди. Бу каби ҳолатлар Пискент, Бўка туманлари, Нурафшон, Олмалик шаҳарларида ҳам кузатилди. Масъуллар томонидан бу каби мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Ҳозир вилоятда жами 6 минг 683,6 километр узунликда ичимлик суви тармоқлари мавжуд бўлиб, шундан 39 фоизи таъмирталаб, бу каби ҳолатларни эътиборга олиб, жойларда муаммоларни бартараф этишга киришилди.

Абдулазиз МУСАЕВ



МИС БОЙИТИШ ФАБРИКАСИ ЯНА МАРРАДА



Жорий йилда комбинатнинг 1- ва 2- Мис бойитиш фабрикаларига умумий ҳисобда 788,5 тонна молибден ярим маҳсулот ишлаб чиқариш прогнози қўйилган эди. 1-Мис бойитиш фабрикасининг молибден концентратларини саралаш цехи томонидан прогноз 2023 йилнинг 11 октябрь кунини 100 фоизга бажарилди. Бундай натижага эришишда, албатта, цех меҳнат жамоасининг самарали ҳаракатлари ҳамда фабрикада сўнгги йилларда амалга оширилаётган реконструкция ишлари муҳим аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, цехда олиб борилган реконструкция

ишлари мобайнида 2-технологик бўғин капитал таъмирдан чиқарилди. Асосий технологик ишлаб чиқариш жараёнига жами 42 та янги флотокамера ўрнатилиб, ишга туширилди. Бу ўз навбатида сифат кўрсаткичларининг кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатди. Ўтган йилга нисбатан молибденнинг миқдори 109 фоизга ўсди. Шунингдек, рудадаги молибден миқдорига ҳам ўтган йилга нисбатан 104,4 фоизлик ўсиш кузатилди.

– Болаларнинг ижтимоий фаоллиги, ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси мактабларда рақамли технологиялардан тўғри ва самарали фойдаланишга қаратилган, – дейди Тошкент тумани ўқувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва инклюзив таълим шўъбаси психолог Барно Раҳимова. – Биз ота-оналардан: "Мақтабда ўқийдиган фарзандимнинг телефонини ўқитувчиси олиб қўйибди. Телефон шахсий мулк

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

тарғиб қилувчи видео ва суратларини намойиш қилишлари мумкин эмас. Машғулот вақтида телефон орқали сўзлашиш ҳамда SMS ва бошқа турдаги хабарларни жўнатиш, мушиқа тинглаш, тасвир кўриш, диктофон, калькулятор, календарь, блокнот, ён дафтарча кабилар сифатида фойдаланиш, суратга олиш ва видео тасвирга туширишга рухсат этилмайди.

Илм масканларида таълим олувчиларга машғулотлар ва тад-

олган кенг қўламли тадбирларни амалга ошириб, ўқувчилар руҳий саломатлигини қўллаб-қувватловчи асосий тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатиши керак. Бугунги кунда ҳар тўртинчи ўсимир ташвиш ва тушунлиқдан, ҳар ўнчидан бири ижтимоий мулоқотнинг етишмаслиги ва ёлғизликдан азият чекади. Ўсимирларнинг 13 фоизи тамаки, алкоголь ва гёбхандлик воситалари ва психофаол моддаларни истеъмол қилади.

ТЕЛЕФОН "ТОРТИБ ОЛГАН" БОЛАЛИК

саводхонлигини эрта ривожлантириш, таълим учун қўлай муҳит дастурини жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 19 июндаги қарори билан Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларида ўқувчиларда ўзини ўзи бошқариш, мураккаб ҳаётий вазиятларни енгилб ўтиш кўникмаларини шакллантириш, депрессия, хавотирли ҳолатлар ва суицидларнинг олдини олиш бўйича махсус ижтимоий-эмоционал ўқув соатларини умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб дастуридаги мавжуд фанлар ва дарсдан ташқари жараёнлар доирасида йўлга қўйиш вазифалари белгиланди.

бўлса, уни олишга ҳаққи борми?" деган мазмундаги саволларга қўлаб дуч келамиз. Аслида, фарзандига смартфон олиб бераётган ота-оналарнинг ўзи бу техник воситадан тўғри фойдаланиш кераклигини билишлари лозим.

Қўнунчиликка асосан, ўқув машғулотлари ва тадбирлар бошланишидан олдин таълим олувчилар телефонини ўчириб, сумкасида солиб қўйиши шарт. Шунингдек, улар телефонини бўйнига осиб олиши, шим, юбкалари ёки кўкрак чўнтакларига сақлашлари, зариярлаш учун таълим муассасаси электр тармоқларига улашлари, телефони ёрдамида атрофдагиларни чақитиб, зуравонлик, шафқатсизлик, порнографияни

бирлар ораллигида фақат асосли ва кечиктириб бўлмайдиган зарур ҳолатларда ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчилар), яқин қариндошлари таълим муассасалари раҳбарлари ёки ходимлари билан боғланиши учун телефондан фойдаланишга рухсат этилади.

Ушбу талаблар бузилган тақдирда таълим муассасасининг ҳар қандай педагог ходими таълим олувчидан телефонни олиб қўйиш, билдиришнома расмийлаштириш ва уни телефон билан бирга таълим муассасасининг директори ёки директори ўринбосарига, кейинчалик ота-онасига бериш ҳуқуқига эга.

Мактаблар тарғибот, профилактика ва реабилитацияни ўз ичига

Сир эмас, мактаб ўқувчиларининг аксарияти муаммога учраганда мактаб психологга мурожаат қилмайди. Туманимизда 31 та умумтаълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 45 та психолог фаолият кўрсатади. Аммо мактаб психологлари ўқувчилар дардини тингламаса, улар билан дўстона муносабатда бўлмаса, муаммо кетидан муаммолар туғилаверади.

Бола оиласида, қолаверса, таълим даргоҳида ўзини яқинлари даврасидагидек эркин ҳис қилиши. Шундангина болаларнинг руҳий ҳолатида ижобий кўрсаткичлар қайд этилади.

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Вилоят бўйлаб


БўКА туманида боғ ва тоқзорлар орасига тўқсонбости усулида экспорттоб сабзавот экинлари экиш бўйича амалий семинар бўлиб ўтди.




БўСТОНЛИҚ туманидаги спорт мактаби ходимлари томонидан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Абай номли спорт макмуаси ҳудудига 450 дона меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Тадбирда дэюдо бўйича Осие чемпиони Аселхан Аралбаева ҳам фаол иштирок этиб, тенгдошларига ибрат бўлди.




ЮКОРИ ЧИРЧИҚ туманига "ACWA Power" ташкилотининг вакиллари келиб, ҳамкорлик алоқаси ўрнатилди. Мулоқотда мутахассислар электр энергия ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш, минтақада энергия танқислигини бартараф этиш мақсадида фотоэлектр станцияларини қуриш лойиҳаси ҳақида маълумот беришди.



БЕКОБОД туманининг "Хонобод" маҳалласида китобхонликни кенг тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш мақсадида "Китобхон оила" тадбири ўтказилди.



ЧИНОЗ туманидаги 14-сонли Болалар мушиқа ва санъат мактабига Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралаш беллашувининг туман босқичи бўлиб ўтди.



Умр – оқар дарё экан. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тамомлаб, меҳнат амалиётини «Тошкент ҳақиқати» газетасида ўтадим. Ўша пайтда машҳур шоира Гулчехра Жўраева, ҳурматли Назармат ака таҳририятда ишлардилар. 8 март – хотин-қизлар байрами сони саҳифаси учун «Баҳор» рақс ансамбли раққосаси Тамара

Юнусова ҳақида лавҳа тайёрлашни менга топширишди. Тамара Юнусова билан суҳбатлашиб лавҳа тайёрладим. Лавҳа газетанинг учинчи саҳифасида раққосанинг сурати билан босилиб чиқди. Бу – менинг биринчи ишим эди. Ўша сонда ва ўша саҳифада Эркин Воҳидовнинг шоира қизларга аталган «Гулчехралар»га сарлавҳали шеърлари ҳам ўрин олган эди.

У вақтда Эркин ака собиқ «Ёш гвардия» нашриётида ишлар эдилар. Нашриёт билан газеталар битта бинода жойлашган эди. Шоир Сайёр Гулчехра Жўраеванинг турмуш ўртоқлари эди. Бу оила билан Эркин ака жуда яқин эканлар. Сайёр ака ҳам нашриётда ишлар, ишдан сўнг Гулчехра опанинг олдиларига келиб, бирга уйга кетишар эди. Икки шоир, икки ижодкор оиласига ҳавас билан қарардим. Гулчехра опа ниҳоятда вазмин, серандиша, ўз ишига ўта масъулятли, яхши устоз бўлдилар. Мен улар билан бир хонада ўтириб кўп нарсани ўргандим.

Сайёр ака Эркин Воҳидов билан мактабдош, қалбан бир-бирларига яқин бўлганликлари туфайли кўпинча бирга юришарди. Бир куни икковлари Назармат аканинг олдиларига янги шеър билан келишди. Узоқ суҳбатлашиб чиқиб кетишди. Бир оз вақт ўтгач, Сайёр ака мени ташқарига чақирдилар. Йўлакка чиқсам, нарироқда Эркин Воҳидов ҳам турибдилар. Менда нима гаплари бўлиши мумкин? Ҳайрон бўлдим-да саломимни бериб индамай турдим. Орадаги сукутани Сайёр ака бузиб: "Синглим, Эркинжон ва мен нашриётда ишлаймиз, сизлар университетни битирай, деб қолибсизлар, шунинг учун бир-иккита дугоналарингиз билан нашриётга келсанлар, биз нашриёт ишлари билан таништирамиз, маълум қилсанлар, олийгоҳни битириб чиққангиздан сўнг ўша ерда ишга олиб қоламиз, бир уйлаб кўринг, бўлмаса ўқишни битиргач, ким билади, сизларни қайси вилоятга ишга юборишади, бу жиддий масала", дедилар. Мен ҳам ўқиб, ҳам ишлай олмайман, деб жавоб бердим.

Кечки овқат вақтида бугунги бўлган гапларни уйдигаларга айтдим. Козимхон акамлар: "Гулихон, ишга чақирганлардан эҳтиёт бўлгин, шоирлар ҳазилкаш бўлади", дедилар. Сиз доим гапни тескари сизга олсангиз. Улар оилалари одамлар, дедим. Сайёр ака оилали, кўринишидан Эркин ака ҳам оилали бўлса керак, деб ўйлардим.

Имтиҳон топшириб, уйга қайтдим. Хурсандман, ўзим билган саволлар тушди. Акамлар: "Табриклиайман, Гулихон, энди қалайсан", десалар борми? Имтиҳондан ўтганим билан табрикляптилар чоғи деб, зўр, дедим. Улар эса: "Бўғи ҳам зўр! Сен уйланган деб айтган шоиринг сенга совчи юборибди-ку", дедилар қулиб. Мен нима дейишимни билмайман. Уялиб хонамга кириб кетдим. Онам орқамдан кириб: "Сени биров сўрагани билан бериб юбораётганим йўқ, кўрма, кўз ёшингни арт", деб юпатдилар.

...Имтиҳонларни топшириб бўлгач, курсдошлар тарқалиб кетдик. Биримиз нашриётда, биримиз радиода, яна бир нечтама газеталарда меҳнат тажрибасини бошладик.

Мен «Тошкент ҳақиқати» газетасида ишлай бошладим. У ерда Фаарида Усмонова, Тоҳир ака, Мирсобир ака ва бир неча устозлардан иш ўргандим. Бир куни бўлим бошлиғимиз: "Гулчехраҳон, сизни телефонга чақиршяпти", деб қолдилар. Гушакни менга тутқазиб, ўзлари ташқарига чиқиб кетдилар. Гушакда таниш овоз. Мени тоза излабдилар. Юрагим уриб кетяпти. Нима деб гаплашишни билмайман. Яхшиямки, хонада ҳеч ким йўқ. "Мен сизни кутиб тураман, кўрмасдан ўтиб кетманг, муҳим гапим бор", деб тайинладилар. Гап қайтара олмадим. Учрашдик. Эркин ака таржимаи

Юлдузлар чакнаган

ОҚШОМ

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов оиласининг бахт чорраҳаси "Тошкент ҳақиқати" билан туташ эканини билармидингиз?



ҳолларини сўзлаб бердилар. "Мен ёлғизман. Энди оила қуриш вақти келди. Танлаганим сиз бўлдингиз. Сизнинг розилигингиз керак. Мен ҳар томонлама ўйлаб чиқдим. Бу ишда менга ёрдам бермасангиз бўлмайди. Сизнинг кўнглингизни сўрамай, сиз томондагилардан розилик олиш қийин бўляпти", дедилар. Жуда мушкул иш. Мен ҳа язондаман. Ҳайронман. Қиз бола бошим билан кимга нима дейман?

Оиламдагилар, айниқса, катта опам ҳеч рози эмасдилар. Опам Эркин акаларнинг маҳалласида яшардилар. У хонадон билан яқиндан таниш эдилар. Мен оиланинг кенжасиман, эрқароқ ўсанман. Эркин ака тоғала-

риб олганлар. Совчилар билан иш битмагач, мактабимиз директори Ҳокимжон Ҳошимов ва маҳалламизда яшаб турган улкан

яхши суҳбатларда қатнашганларини айтиб, ўтирганларга қарата: "Мен ўғил уйлантирайман десам, янглишибман, қиз узатаётган эканман. Раҳматли Фулом акамнинг қизлари бўлмиш Гулчехраҳон энди менинг қизим бўлди. Эркинжон, энди менга қув бўлади", деб лутф қилдилар.

Ўша даврнинг суякли ҳофизлари Фахриддин Умаров, Бертахоним Давидова, Неъматжон Қулабдуллаев тўйга фазил киритишган. Айниқса, Неъматжон Қулабдуллаев тонг отгунча ашула айтиб, даврани роса қизитганлар.

Чустий домла тўйга бағишлаб ёзган шеърларини ўқиб бердилар:

*Мени бахтим олиб келди
бу хил тўю томошага,
Бу тўйхона чирогин ҳар
бири ўшар сурайёга,
Фалак ҳам суқланиб боқмоқда
икки нур сиймога,
Чаман булбуллари ҳам
чиқдилар ажри тасаннога.
Етушти ошиқ маъшукка,
маъшук етти шайдога.*

*Чаман Гулчехрасин яшнатди
бу Эркин назар солди.
Кўёш, ой бошидан сочмоқ учун
чўнтакка зар солди,
Дилм халвоғари табрик
қозониға шакар солди.
Ширинлик муждаси киши
кўнглига завқлар солди,
Кетурдим парча қозоғга ўраб
бу тўйга савғога.*

*Тўтиб гулдаста юлдузлар
била шамсу қамар келди,
Куюқ табриклаб ахлу донишу
фазлу хунар келди,
Фалак Зухросидин Гулчехраҳонга
муждалар келди,
Само Баҳромидин Эркин йиғиға
минга асар келди!*

Тўй мушоира кечасига айланиб кетди.

Келинлик даврим бошланди. Онам айтардилар, келинлик бедилхонликдан ҳам қийин деб. Бедилни ҳамма ҳам ўқиб, тушунавер-

мас экан. Келинликда ҳам ҳаммага бирдай ёқиб қийин бўлса керак-да. Мен охири курсда ўқийман. Эркин ака нашриётда хизмат қиладилар. Ўқшдан келгач, уй ишларига қарашаман. Овқатларни қайнонам Маҳбуба ая қиладилар. У вақтларда ҳозиргидек газ ўчоқлар йўқ, Қоронги ошхона. Ўтин ёқиб, овқат пиширилади. Чўгидан олиб, самовар қайнатамиз. Секин-аста ошхона ишлари менга ўта бошлади. Қайнонамдан ўрганган овқатларни қила бошладим. Аммо лағмонни у даражада ўхшата олмадим. Шунда ҳам: "Барака топинг, болам, бугунги овқат жуда ширин бўлибди", деб дуо қилардилар.

Эркин ака: "Хотин кишининг қўли ва тили ширин бўлса, эркак ҳаммаша уйга келишга шошилади", деганлар. Худого шукр, ҳанузгача уйга шошиладилар.

Университетни ҳам битириб олдим. Ўша йилнинг ёзида иккаламиз бирга Ялтадаги ижодкорлар дам олиш уйига бордик. Самолётда биринчи учшим. Денгизни биринчи бор кўришим. Чексиз денгиз устидан учиб кетяпмиз. Табиат гўзал. Ғубор йўқ, Тўйиб-тўйиб нафас оласан киши. Ҳомилдорлигим туфайли мени уйку тортади. 3-4 кун то у ернинг шароитига ўргангунча эрталабки нонуштага ҳам кечикиб чиқдик. Турли ижодкорлар билан танишдик. Ялтанинг кўп жойларини зиёрат қилдик. Денгизда чўмилидик, кемаларда юрдик. Дам олиш кунлари тугагач, поездга ўтириб Москвага бордик. У ерда ҳам кўп тарихий жойларни зиёрат қилиб она шахримиз Тошкентга қайтиб келдик.

Икки ойдан сўнг бош фарзандимиз Нозимахон туғилди. Уйга чақалоқ билан фазил кириб келди. Ҳаманинг диққат-этибори унда. Кун сайин қилиқлари кўпайиб ўзига қаратади. Нозимахон эндигина атак-чекчак юра бошлаганда, иккинчи фарзандимиз Хуршиджон туғилди. Ёлғиз Эркин ака ўзларидан кўпайдилар. Хурсандчиликнинг чеки йўқ. Аммо икки ёш бола билан шароитсиз уйда яшашнинг ўзи бўлмади.

Январь ойи, совуқ. Печкага челақлаб кўмир қалайман, уй исимайди. Келинлик юмушлари ҳам қўлиб кетиб, вақтим икки бешик орасида ўтади. Ҳамма келинларнинг бошига тушадиган савдо менинг бошимда ҳам ўйнай бошлади. Эркин акага сокинлик даркор. Ижодлари қайнаган кезлар. Болаларимнинг чағур-чағур шодликлари, инжиқликлари орасида гўзал мисралар, оташин шеърлар туғиларди...

Гулчехра ВОҲИДОВА
эсдаликларидан



ри Карим Сахибқов қўлида ўсанлар. Опам у катта, келди-кетди кўп хонадонда менинг қийналиб қолишимни ўйлаганлар. Ҳайронман. Қиз бола бошим билан кимга нима дейман?

Эркин ака сўзларида қатъий ту-



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEVA

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEVA

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 20.30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1131.

4 906 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.